КИНЕМАЛАРНИНГ БАДИИЙ МАТНДА ИФОДАЛАНИШИ

М.М.Саидхонов

Употребление кинетических средств в письменной речи связано с передачей в процессе коммуникации некоторой информации, характеризующей не только само высказывание и ситуацию, связанную содержанием высказывания, но и самого субъекта производящего речевой акт. Следовательно, кинетические средства выполняют в письменной разновидности языка информативную функцию.

Using kinetin means in written speech is linked with expressing information in the process of communication, which characterises not only an expression itself but also the person who speaks and expresses speech. Therefore kinetic means accomplish informative function in written speech.

Бадиий насрий матнни кузатар эканмиз, персонажлар нутқининг жонли ва таъсирли чиқиши учун ижодкор имо-ишоралардан, маъно ифодаловчи турли гавда ҳаракатларидан, овознинг сифатий ҳар хилликларидан, ҳиссиётни ифодаловчи турли мимик ўзгаришлар ифодасидан фойдаланганини кўрамиз. Булар паралингвистик воситалар саналиб, Г.В.Колшанский таъбирича, «паралингвистика тушунчаси энг аввало функционал жиҳатни билдиради, шунинг учун паралингвистика тилшуносликнинг ёрдамчи тармоғи бўлиб, муайян нутқий мулоқотнинг шалланишидаги нолисоний воситаларни ўрганади» [1,20].

Паралингвистика икки йўналишни ўзида намоён этади: фонация ва кинесика. Фонация овоздаги сифатий ўзига хосликлар асосида қўшимча маъно ифодаланишини билдиради. Кинесика термини мимика, ишора ва бошқа маъно ифодаловчи гавда ҳаракатларини ўз ичига олади. А.Нурмонов алоқа-аралашувда иштирок этувчи барча суперсегмент воситалар, имо-ишоралар ҳамда мимикалар паралингвистика доирасига киришини таъкидлайди [2,7].

Профессор Г.В.Колшанский коммуникациянинг новербал воситалари қуйидаги вазифаларда ишлатишини айтиб ўтади:

1) алоқа-аралашувнинг юзага чиқишида ёрдамчи восита сифатида;

2) алоқа-аралашувда айрим ахборотни компенсация қилувчи восита сифатида [1,21].

Фонация ва кинесика алоқа-аралашувнинг воситалари экан, демак, улар лисоний жиҳатдан бадиий матнда лисоний воситалар орқали ифодаланади.

Сўзлашув жараёнида имо-ишоралар спонтан ҳолда ишлатилса, ёзма нутқда паралингвистик воситанинг вербал ифодаси бадиий-услубий ижод маҳсули саналади.

Маълумки, ёзма нутқ оғзаки нутқдан ўзининг кўп жиҳатлари билан фарқланади. Оғзаки сўзлашув жараёнини айнан ёзма нутққа ўтказиш мулоқот актини тўлалигича вербал ифодалаш бўлиб, коммуникантларнинг алоқа-аралашувдаги барча лисоний ва нолисоний воситаларини тил бирликлари орқали бериш мақсадга мувофиқ бўлади. Бу эса адресатдан (ўқувчидан) алоқа-аралашув жараёнини - вербал ва новербал воситаларнинг номинациясини тўла интерпретация қилишни тақозо этади. Реал сўзлашувда эмоционал ва модал маъно нозикликлари мимика, ишоралар ёки бошқа воситалар орқали ифодаланса, ёзувда улар мос равишдаги лексик-синтактик унсурлар билан берилади. Шунга кўра, ёзма нутқда коммуникатив актнинг тўла ва мукаммал “таржимаси” ниҳоятда мураккаб ва қийин жараёндир.

Маълумки, семиотика кўп ишораларнинг функционал жиҳатларини аниқлаган бўлса-да, уларнинг вербал ифодаси (номинацияси) ҳали тўла ўрганилган эмас. Ўзбеклар алоқа-аралашувида ишлатилувчи кўрсаткич бармоқ ҳаракати *чақирувни, дўқ-пўписани, кўрсатувни* билдириб келади. Ёзма нутқда чақирув ***«қўлини/кўрсаткич бармоғини илмоқ қилди/қилиб чақирди», «қўли/бармоғи билан чақирди», «қўли/бармоғи билан чақирув ишорасини қилди»*** каби сўзлар комплекси орқали ифодаланади. *Дўқ-пўписа* маъноси «***қўлини/бармоғини бигиз қилди», кўрсаткич бармоғини унга томон нуқди», «кўрсаткич бармоғини бурни тагида ўйнатди» (вариантлари: «қўлини пахса қилди», «қўлини бигиз қилди»), «қўлини кўзи атрофида ўйнатди»*** каби сўзлар комплекси орқали берилади. Кўрсатув маъносини билдириш учун ***«қўли/кўрсаткич бармоғи билан (объектни) кўрсатди», «қўли билан (объектга) ишора қилди», «кўрсаткич бармоғи/қўли билан битта-битта кўрсатди»*** каби сўзлар комплекси ишлатилади.

Лаб ёрдамида *кулгини, ҳайронликни, инкорни, ўпични, норозиликни* ифодалаш мумкин бўлиб, ҳар бир имо-ишора маълум вербал бирлик билан ифодаланади ва тасвирланади: «***лабини чўччайтирмоқ», «лабини бурмоқ», «лабини чўччайтириб ўпиш ҳаракатини қилмоқ», «лабини осилтирмоқ».***

Кўриниб турибдики, ишоралар, имолар ва инсоннинг бошқа маъноли ҳаракатларини ифодалашда, уларнинг хусусиятларини аниқлашда вербал восита ниҳоятда чегараланган миқдорда бўлиб, паралингвизмларнинг номинацияси тавсиф ва тасвир асосига қурилади.

Имо-ишораларнинг вербал воситалар билан ифоданишидаги ҳар хилликни ва ўзига хосликни кинемаларнинг бадиий матндаги вербаллашуви доирасида таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ бўлади. Негаки, бадиий насрий матндаги персонажлар мулоқотида новербал воситалар коммуникантлар томонидан ишлатилиб, муаллиф нутқида ёки ремарка ёхуд репликаларда намоён бўлади. Бу эса ёзма нутқ алоқа-аралашувда маълум ҳолат ва персонажлар хатти-ҳаракати билан боғлиқ бўлган новербал восита орқали маълум ахборотни узатишнигина мақсад қилиб қўймасдан, мулоқотни шакллантирувчи шахс (субъект) ҳақида маълумот беришни ҳам эътиборга олади. Ёзма нутқда кинетик воситаларнинг вербал ифодаси ахборот узатиш вазифасини бажариб келади.

Бадиий насрий матнда персонажларнинг кинетик хусусиятларини таҳлил қилиш натижаси шуни кўрсатадики, асардаги образларнинг ахборот узатувчи хатти-ҳаракатларининг 4 турини кузатиш мумкин:

1. Информатив-фактуал кинетик ифода. Бунда мулоқот жараёнида персонажнинг ҳаракати шароитга кўра алоқа-аралашувда қўшимча маъно ифодалаб келади. Феълдан англашилган маъно сабаб-натижа муносабати асосида бўлиб, феълдан натижа маъноси англашилади. Масалан: *кирди, чиқди, йиқилди.*

Бу гапларни эшитган Сувсарпаринниг боши айланди, кўзи тинди ва ***йиқилди.*** **(**Эртакдан.)

Ушбу ўринда персонажнинг хатти-ҳаракати (йиқилди) шароитдан келиб чиққан ҳолда маъно ифодалаш учун хизмат қилмоқда. Сувсарпарининг йиқилиши адресантнинг унинг руҳиятига, ҳиссиётига таъсир қилувчи маълум гапи натижасида амалга ошмоқда .

Персонаж ҳаракатининг информатив-фактуал тавсифи ситуация билан боғлиқ бўлади ва насрий асар контекстида реаллашади.

Айримлар Назокатни туғмас деб ҳақорат қилдилар, бошқалар енгил оёқ, отаси оқ қилган деб қўлларини бигиз қилдилар, кимлардир эрининг ношудлигини бунга сабаб қилдилар. Назокат бу гапларни эшитиб турди ва ҳеч нарса демасдан эшикни секин очиб ***чиқиб кетди.*** *(Газетадан.)*

Чиқиб кетиш ҳаракати ушбу ҳолатда “сенлар билан тенг бўламанми”, «ит ҳурар – карвон ўтар» қабилидаги мазмунга тенг бўлади.

Бадиий насрий матнда информатив-фактуал кинетик ифода муаллиф нутқида ўз ифодасини топади, улар маълум ҳаракатнинг натижаси мазмунини билдиради.

2. Информатив-характерловчи кинетик ифода. Бунда персонажларнинг ишоралари, имоси ва гавда ҳаракатлари ифодаси асар қаҳрамонлари хусусиятларини очиб бериш учун хизмат қилади. Маълум ҳолат ёки ахборот натижасида адресат томонидан берилган реакция(муносабат)нинг киши юзида, кўз қарашларида, бош, қўл ҳаракатларида намоён бўлиши персонажни характерловчи ахборот ташийди.

Жаноб Садиров худди ҳамма нарса уларнинг фойдасига ҳал бўлаётгандай қўлларини жуфт қилиб бир-бирига киргизиб ***бош бармоқларини айлантира бошлади, юзида табассум пайдо бўлди.***

Матндаги персонажнинг хатти-ҳаракати ва юзидаги мимика китобхонга у ҳақда маълумот беради. Персонажнинг хусусиятини билдирувчи бу каби хатти-ҳаракатлар маълум шахснинг ўзигагина хос бўлган хусусият бўлиши ҳам мумкин. Персонажнинг имо-ишораси (хатти-ҳаракати) образни индивидуаллаштириш учун ишлатилиши билан бирга, матнда семиотик вазифа бажариб, маълум маънони кодлаштиради.

Махдум киши билан сўзлашганда, айниқса, бир нарсадан таажжубланганда, сийрак ва лекин тўғри, бақувват ўсган ***соқолини тутамлаб, ўнг кўзини бир оз қисиб қарар,*** *одат қилгандан бўлса керак, гап орасида* ***«ҳабба»*** *деган сўзни кўпроқ ишлатар эди... у бир нарсадан хурсанд ва рози бўлганда аксар «****ҳабба»*** *деб юборади.* (А.Қодирий.)

Маълумки, инсон руҳий ва ҳиссий ҳолатларининг зоҳирий ифодаси кишининг юз, кўз, қош, лаб, қўл, гавда ҳаракатлари, талаффуз оҳанги ва бошқа ҳаракатлари орқали ифодаланади ва уларнинг физиологик ҳолати, шаклий жиҳати (денотати) умумий тарзда қабул қилинган кўринишда намоён бўлади.

Масалан: *қовоқ солиш* киши қовоғининг хиёл пастга томон ҳаракати, шу аснода пешонанинг ҳам қисман пастга таранглашуви, юзда аччиқланиш позасининг ифодаси, жиддий қиёфа (кучлироқ ҳолда муштни тугиш) каби ҳаракатлар орқали билдирилади. Демак, **қовоғини солмоқ** ишорасининг денотати юқорида келтирилган киши ҳаракатларининг комплексидан иборат бўлиб, ***аччиқланиш, хафа бўлиш, дўқ-пўписа қилиш, қўрқитиш*** ва ҳолатдан келиб чиққан ҳолда яна бошқа маъноларни ҳам билдириб келади. Шу каби бошқа ҳаракатлар ҳам (кулмоқ, йиғламоқ, севинмоқ, ҳайратланмоқ, ачинмоқ, қўрқмоқ, уялмоқ ва б.) мос равишдаги денотатга ва улар ифодалайдиган тушунчага (сигнификатга) эга бўлади.

Персонажнинг индивидуал ишораларида унинг «таржимаси» асар матнида берилади (юқоридаги сингари). Сўнг персонаж хатти-ҳаракати унинг «қилиғи» сифатида кўрсатилади ва маълум маъно ифодалаш учун ишлатилади.

Масмуъингиз бўлса керак, гарчи ўзи ризолик бермаса ҳам бир неча Мирзолар шогирдингиз Мирзо Анварнинг ҳам номзодини холис ариза билан хон жанобга манзур қилган эдик. Умид худодан, ёрлиқ Анварга қойим бўлур, деб турамиз.

*Махдум **соқолини тутамлаб** шифтга қаради, гўё Султоналининг кейинги икки жумласига қайси йўсин муқобала қилишдан ожиз эди. (Абдулла Қодирий.)*

Махдумнинг одатга айланган хатти-ҳаракати мазмунини аниқлаш учун контекст ҳажман камлик қилади ва макроматн билан танишишгина “кўз қисиш” Солиҳ махдумнинг ўзигагина хос бўлган хусусият эканини билиш мумкин.

- Аввало, мирзо Анварга оталиқлари, сониян, устозликлари бор. Сиз жаноб тарғиб қилсангиз ва кенгаш берсангиз, қабул қилар, деб ўйладик.

- Ҳабба! – деди махдум хурсандчилик билан. – Бу тўғрида яхши сўзлашмаган эдик, сўзлашармиз; иншооллоҳ, кўнар.

- Саломат бўлингиз, тақсир!

*Махдум **соқолини ушлаб кўзини қисди.***

Характерловчи кинетик ҳаракатлар инсон ҳақида турли маълумотларни бериш учун ишлатилади: унинг ижтимоий мавқеи, маданияти, тарбияси, ахлоқ-одоби, характери, саломатлиги, касб-кори, миллати ҳақида қўшимча ахборот узатади.

Бадиий асар персонажининг хатти-ҳаракатлари (имо-ишора, гавда ҳаракатлари) унинг образ сифатида ўзига хослигини билдирса, иккинчи жиҳатдан, реал борлиқдаги инсонлар ҳаётининг ўзаро табиий равишдаги мулоқотларининг акс этиши сифатида намоён бўлади. Ҳиссиётнинг ифодаси турли одамларда турлича бўлишидан ташқари турли миллатлар, элат ёки халқларда ҳам ўзига хос бўлиб, бир-биридан фарқ қилади. Қайғу абхазларда *қўл кафтини пешонага уриш* (абхаз ишораси) билан билдирилса, арманларда **зудлик билан тиззага уриш** ва «**вой**» ундов сўзини айтиш билан ифодаланади [3,15].

Ёки турли миллатларда ҳайронлик, ажабланишнинг кинетик кўриниши турлича эканлиги ўша миллат вакилларининг хусусиятларидан келиб чиқади. Ажабланиш *абхазларда* ***қарсак*** билан билдирилса, *озарбайжонларда* ҳайронлик ***бош бармоқни тишлаб қўйиш*** билан ифодаланади, *ўзбекларда* ***бошни бир неча бор тебратиш, елка қисиш, қўлларни ёйиш*** орқали, *арманларда* ***елка қисиш*** ва ***бошни тебратиш, қошини юқорига кўтариш*** ва ***лабни чўчайтириш*** орқали, *татарларда* ***икки қўлни ёйиш***, бир вақтнинг ўзида ***икки қўлнинг кафтини тиззага уриш*** (кучли ажабланиш) орқали, *тожикларда* ***қошни кўтариш*** орқали билдирилади [3, 85-126]. Шунингдек, ишоралардан шахснинг касб-кори, маданияти ва бошқа хусусиятларини аниқлаш мумкин.

Бунга қаранг! Хушрўй стюардесса тайёрага кириб бораётган ҳар бир йўловчига **салом берди**. *(салом бериш стюардессанинг касбий хусусияти - таъкид бизники – М.С.)*

-Хэлло! Хуш келибсиз, жаноб!

Менга ***кулиб алоҳида таъзим қилди.***

-Хэлло, сэр!

*Ҳа, маккор! Ҳозир **илжаясан-да**, 5 дақиқадан кейин: «Кечирасиз, гражданин, жойни бўшатишингизга тўғри келади, паттани адашиб беришибди, кейинги рейсда учасиз» деб тушириб юборасан!* (Ў.Ҳошимов.)

Асарда персонажнинг (стюардессанинг) *таъзим қилиши, салом бериши*, *илжайиши* касбий хусусиятидан келиб чиққан ҳаракат бўлгани учун матннинг бошқа ўринларида ҳам юқоридаги ҳаракатларнинг ифодасини кузатиш мумкин. Шунга кўра, характер ифодаловчи бу каби кинетик ҳаракатлар персонажнинг ижтимоий хусусиятидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади. Субъект ўзининг руҳий ҳолатини, объектив борлиққа, ўзгага бўлган экспрессив, модал муносабатини ўзининг хатти-ҳаракатлари, қилиқ(жест)лари орқали ифодалаши М.Содиқова томонидан ҳам таъкидланади [4.68].

Насрий асардаги персонажлар ҳаракатларидаги индивидуаллик ва умумийлик хусусиятлари образнинг жонли ва табиий мулоқотга киришиши учун асосий омил бўлиб хизмат қилади. Албатта, асардаги образнинг хусусиятларини таҳлил этишда унинг нутқий мулоқоти, сўз қўллаш маҳорати, гап тузиш моделлари ҳам аҳамиятли бўлади. Лекин персонаж хусусиятлари таҳлилида энг катта «юк» информатив-характерловчи тавсифга тушади. Чунки унда, аввало, шахснинг ҳиссий ва руҳий белгилари намоён бўлади, нутқ эса кейин ирод қилинади. Шунга кўра, айрим ҳолларда ҳиссий таъсир натижасида фикрни ифодалаш мумкин бўлмай қолади.

Истеъдодли ёзувчи М.Мансуровнинг «Мангу жанг» романидан олинган қуйидаги матнда персонаж хусусияти унинг хатти-ҳаракатлари орқали очилган ва бу ҳаракатлар образнинг қирраларини очиб беришга хизмат қилган:

*Бурхон тўкис **тўлғанади,** зарда билан **гапиради, бетоқатланади, ғазаби қўзийди, жаҳл билан кўкрагига муштлайди.** Акбар полвон эса дўстининг бундай ҳаракатларига қарама-қарши ўлароқ «**бамайлихотир гапиради, илжаяди, кулади, жиддийлашиб, босиқлик билан унинг айбларини юзига айтади».(М.Мансуров.)***

Бадиий асар матнидан келиб чиққан ҳолда персонажлар хатти-ҳаракати орқали, биринчидан, образлар хусусиятлари очиб берилаётган бўлса, иккинчидан, уларнинг ўзаро муносабатлари ҳақида ахборот берилмоқда. Шуниси эътиборлики, асардаги персонажлар ҳиссиётидаги контраст ҳолат образларнинг ҳаракатларида ўз ифодасини топмоқда.

Бурхон	***Акбар***
зарда билан гапирди	бамайлихотир гапирди
тўлғанди, бетоқатланди	илжаяди
ғазаби қўзғалди	кулади
жаҳл билан	жиддийлашиб, босиқлик билан
кўкрагини мушлайди	(айбларини) юзига айтади.

Бурхонни характерловчи ҳаракатлар:

Зарда билан (гапирди) – қаттиқ овозда, алоҳида тонда силтаб-силтаб.

Тўлғанади, бетоқатланади – тез-тез юради, ўзини бир ерга қўя олмайди.

Ғазаби қўзғайди – ҳар хил сўзлар билан сўкинади, бақириб юборади, қўлини мушт қилиб иккала қўлининг очиқ кафтига уради.

Жаҳл билан кўкрагига муштлайди – юзида жаҳл ифодаловчи мимик кўриниш бўлади, ўнг қўлини мушт ҳолда тугиб, кўкрагига бир ёки бир неча марта ура бошлайди.

Матндаги вербал ифоданинг кинетик кўриниши инсон ҳиссиётининг ҳаракатларда намоён бўлишидир.

3. Информатив-коммуникатив кинетик ифода. Бунга киритилган кинематик ифода нутқий жумлани кузатиб боради: ишора, мимик ва бошқа гавда ҳаракатлари эса унинг маъносини тўлдириб келади. Имо-ишоралар нутқий ифода мазмунини тасдиқлаб ёки инкор этиб келиши мумкин. Булар коммуникантларнинг қизиқиши ёки қизиқмаслигини, эътибор бериш ёки эътиборсизликни аниқлашга ёрдам беради.

-Мени бу ерга шу ёмон хабарингиз учун таклиф этганмидингиз? – дея сасигандай бўлди Лутфи Қаршиевич ***қовоғини осиб.*** (Ғулом Али.)

Коммуникант нутқидаги ёмон хабар мазмуни ***қовоғини осиб, сасигандай бўлиб*** каби паралингвизмларнинг номинацияси сифатида берилмоқдаки, бунинг натижасида нутқий восита нонутқий восита билан тасдиқланмоқда. Умуман олганда, киши ҳиссиётининг физиологик ва нутқий ифодалари бир-бирини тақозо этмоқда.

Ишора ёки мимика айрим ўринларда мулоқотда нутқий воситани алмаштириши мумкин.

Кинетик реплика лисоний воситани алмаштиришда коммуникатив вазифа бажаради ва ифоданинг мазмунига путур етказмайди. Реплика вазифасини ҳар қандай ишоралар ҳам бажара олмайди, балки жамиятнинг барча аъзолари учун тушунарли бўлган типик имо-ишоралар реплика ўрнида қўлланади.

Жарчи тўхтади, шовқин-сурон яна эскича давом этди. Жарнинг давомида қулоғи тиккайиб, кўзи катта очилган Қобилбой сукутга кетди…

-Нега хомуш тўхтадинг, Қобил? Акун жарчинг нима деб вақирлайди?

Қобил жавобсиз ***бошини чайқади.***

-*Гапур, - деди Шариф. – Мирзо Анвар, осий Анвар, деяпти чоғи?*

Қобил яна жавоб бермади. (А.Қодирий.)

«***Бош чайқамоқ***» *инкор, бехабарлик, билмаслик, тааҗжуб* маъноларини билдириб келиши барчага аён бўлгани сабабли ушбу ишора табиий ва жонли ҳолда коммуникатив вазифа бажариб келмоқда.

«Кўз қисиш», «қош учириш» ҳаракатларининг номинацияси тил бирлиги сифатида тушунарли бўлса-да, бу ишора орқали ифодаланган маъно матнда аниқланади.

-Анови, сен билан тенгдош ўғлига Шодмонованинг қизини унаштириб қўйди. Кўрдингми? – Маҳмудшер Ғанишерга қараб ***қош қоқди****. (С.Анорбоев.)*

-Аянгиз, дадангиз юборавердими?

-Билет олиб беришди. Чиқиб келавердим, - ёлғон гапирди Жалолиддин. Амаки ажаблангандай ***қошини учириб қўйди.*** **(**Э.Раимов.)

Анави йигит ҳалиям шошилмай чой ичиб ўтирарди. Саттор кириши билан марҳамат дегандай бўш стулга қараб ***қошини учириб қўйди***. (Ў.Ҳошимов.)

Келтирилган мисолларда қош ҳаракатини ифодаловчи **қош қоқмоқ, қошини учириб қўймоқ** сўзлар комплекси қўлланган бўлиб, уларнинг маъноси контекстда реаллашади.

Бадиий насрий матнда «ишоралар диалоги»нинг вербал ифодасини ҳам учратиш мумкин бўлади. Бу каби «сўзсиз сўзлашув»да бош, қўл, елка, гавда ҳаракатлари ҳамда мимик хатти-ҳаракатлар: кўз, қош, юз, лаб ҳаракатлари иштирок этади. Нолисоний воситалар орқали узатилаётган ахборотга адресат ўз ўрнида кинетик реакция беради.

Махдум … Ҳовли саҳнида чақалоқ кўтариб турган Раъно ёнидан айвонга ўтди. Махдумнинг орқасидан кирган Анвар Раънонинг олдида тўхтаб, ундан чақалоқни олди. Отасининг юзида аччиқланиш сезган Раъно Анварга «нима гап» деган каби ***им қилган эди****, Анвар* ***кўз қисиб,*** *арзимаганлик* ***ишорасини берди****.* (А.Қодирий.)

«Ишоравий диалог»да қўлланган нолисоний воситаларнинг маъноси мулоқот амалга ошаётган пайтда аниқ бўлади.

4. Информатив-эмоционал кинетик ифода. Бунда персонажнинг хатти-ҳаракати унинг ҳиссий ҳолати асосида юз беради ва маъно ифодалаш учун хизмат қилади. Бу хатти-ҳаракат гўёки инсон ҳиссиётининг ифодаси – маркери сифатида намоён бўлади. Инсоннинг физик ҳаракати орқали биз унинг ички ҳиссий ҳолати ҳақида хабар топамиз. Яъни персонаж ҳаракат ёки ҳолати руҳий ҳолат билан боғлиқ бўлади ва унинг кўриниши сифатида баҳоланади.

-Мирзо Анвар уч-тўрт кундан бери менинг ҳовлимда қўниб юрар эди, - деди Султонали ва сўз ораси ***у ёқ – бу ёққа қараб қўйди****. – Чамаси устозига бир хиёнат қилгандан кейин менинг ҳовлимда ётиб юрган экан… Унинг йигитлигига тилда таҳсин ўқиб, ичдан лаънат айтиб, жанобни хабардор қилиш учун югуриб келаётганим-да, бек ака!*

*Тунқоторнинг **кўзи қинидан чиқиб, бир-икки соқолини қўли билан букиб ямлади**. (А.Қодирий.)*

Алоқа-аралашув жараёнида киши айрим ишораларни ақл буйруғига бўйсунган ҳолда амалга оширади, яъни шароит, ҳолатга қараб ишлатади. Масалан: «чақириш» қўлини илмоқ қилмоқ, кўрсаткич бармоғини ўзи томон қимирлатмоқ каби вербал воситалар билан ифодаланадиган кинемани билдиради ва коммуникант бу ишоравий ҳаракатни ҳамма ҳолатда, ҳар қандай кишига нисбатан ишлатмаслиги унинг мушоҳада асосида ишлатилишидан дарак беради. Масалан, раҳбарга нисбатан ёки нотаниш одамни чақириш учун бу ишора ишлатилмайди. Лекин эмоционал ахборот узатувчи кинемалар инсонга узатилган ахборотнинг реакцияси тарзида табиий намоён бўлади. Зеро, ҳиссий информация нутқий ёки нонутқий информациядан аввал инсонда шаклланади.

У (Эгамберди – М.С.) қаддини ростлаган эди, менга кўзи тушди.

*- **Н-нима** гап? Хўжа **қ-қани**? – деди **гоҳ менга, гоҳ бузоққа қараб**.*

-Хўжа кетди. – Қўрқувданми, аламданми, овози титраб чиқди. – Чирчиққа кетибди.

*Унинг **қўлидан болтаси тушиб** кетди. Бир зум **лаблари титраб**, тикилиб турдию **кўзларига ёш қалқиб чиқди**.*

*-**Н-нега**? **Н-нега** кетади? – деди **инграб**. Кейин **кафти билан юзини тўсганича**, тўнка устига **ўтириб қолди**. Чап қўли ҳамон таёқда осилиб турар, ўнг **елкаси эса дир-дир титрар** эди. (Ў.Ҳошимов.)*

Берилган матнлардаги персонаж ҳаракатини факт сифатида кўриб чиқилса, гўё ҳеч қандай қўшимча ахборот узатмагандай хулоса чиқариш мумкин: дудуқланиб гапириш (**н-нима гап –** кучли талмовсираш), чор атрофга қараш (**гоҳ менга, гоҳ бузоққа қараб -_**ҳаяжонланиш), овоз титраб чиқиш (**қўрқувданми, аламданми овозим титраб чиқди** – қўрқув, алам), болтани ерга ташлаш (**қўлидан болтаси тушиб кетди** – кутилмаган хабарни эшитиш натижада эсанкираб қолиш), лабларини харакатлантириш (**лаблари титраб** – ўта ҳаяжонланишнинг ифодаси), йиғлаш (**кўзларига ёш қалқиб чиқди** – фарзандини йўқотиш), ингичка овозда гапириш (**инграш** – фарзанд доғида гапириш), юзини кафти билан тўсиш (**кафти билан юзини тўсганча** – алам ифодаси, нима қилишни ўйлаш), тўнкага ўтириш (**тўнка устига ўтириб қолди** – кучли ҳиссиёт натижасида ҳолдан тойиш), елкаси титрамоқ (**елкаси дир-дир титради** – йиғи, ҳаяжон, ўкинч ифодаси). Кинетик ҳолатларнинг вербал интерпретацияси персонаж характерини очиб беради.

Инсоннинг ҳар қандай сезгиси ва ҳиссий ҳолатлари, албатта, паралингвистик воситалар орқали ифодаланади. Бу каби воситаларнинг ишлатилиши асардаги персонажнинг тимсолий ўзига хосликларини ва табиийлигини таъминлаб келади. Персонажнинг кинетик ҳаракати горизонтал кесимни ташкил этиб, фақат ташқи ҳаракатни билдиради. Бу ҳаракатдан англашилган қўшимча маъно персонажнинг ишораси натижаси саналади ва у персонаж ҳақида маълумот беради. Шу тариқа ўша асар ҳақида бизга умумий ахборот беради.

Айрим асарларнинг ишора ва имо тили ниҳоятда бой бўлиб, муаллиф персонажларнинг характерини очиб беришда улардан кенг равишда фойдаланганининг гувоҳи бўламиз. Персонаж характерининг қирраларини намойиш этишда ишлатилувчи паралингвистик воситалар фикрларни ҳам ифодалаб келадики, Ш.Балли таъбирича, улар устама ифода воситаси саналади [5,117].

Персонажнинг барча ҳиссий ва руҳий ҳолатларини ўзида акс эттирувчи кинетик ҳолатни ёзма нутқда тўлиқ ифодалаш учун сўзларнинг барча қўшимча маъно оттенкаларидан ва эмоционал-экспрессив бўёқдорликдан образ яратишда унумли фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади. Бошқача айтганда, ёзма нутқда лексик, грамматик ва услубий жиҳатдан мос унсурлардан фойдаланган ҳолда кинетик воситаларнинг вербал ифодасини китобхонга тушунарли қилиб бериш керак бўлади.

Ҳар қандай кинетик ҳолатни интерпретация қилувчи ўз доираси мавжуд. Гарчи ҳар қандай кинетик жараён муайян вербал шакл асосида рамзланмаган (кодланмаган) эса-да, у деталлар асосида тасвир этилади ва тавсифланади. Кинетик жараён белги сифатида қабул қилинади ва шу аснода унинг лисоний шакли вербал ва новербал коммуникацияни ўзаро боғловчи воситага айланади.

Эрмон бува носини тупуриб чуқур хўрсинди. «Ана шунақа гаплар», дегандек маънодар ***бош чайқаб қўйди***. (Ў.Ҳошимов.)

Бош чайқамоқ – бошни «у ён бу ён тебратмоқ». Инкор маъносини ифодалайди [6;446]. Лекин ушбу ҳаракатнинг интерпретацияси бевосита жонли сўзлашувнинг (ёзувда контекстнинг) мазмунидан келиб чиққан ҳолда турли маъноларни ифодалаши мумкин. Кинеманинг маъноси муаллиф ремаркасида изоҳланиши, суҳбат жараёнидан аниқланиши ёки персонажлар репликалари орқали ифодаланиши мумкин. Келтирилган мисолда ишора тасдиқловчи, кўрсатувчи (аввалги фикрни) маъно билдириб келмоқда.

-Қариндошларинг эмасми?

Гул «йўқ» дегандай ***бош чайқади*** (Ў.Ҳошимов.)

Диалогик нутқда персонаж нутқининг компенсацияси вазифасида келаётган муаллиф нутқидаги **бош чайқамоқ** сўзлар комплекси йўқ маъносини билдириб келмоқда.

-Бу гапларниям Умар Ҳайём ёзган, Сайфиддин ака!

Сайфиддин Соқиевич орзумандлик билан ***бош чайқади.***

-Оббо, қизталоғ-ей! Боплаганини қаранг. Ипга тизгандек ёзади-я! (Ў.Ҳошимов.)

Бошни у ён-бу ёнга тебратиш ҳаракати ҳолатдан келиб чиқиб турли маъноларни билдириб келиши мумкин. «Бош чайқамоқ» номинатив бирлик сифатида, умумий олганда, бошни у ён – бу ёнга тебратишни билдирса-да, юқоридаги мисолларда унинг кинетик кўриниши ва бу ҳаракатни кузатиб борувчи мимик ва гавда ҳаракатларида фарқлар бўлиши табиий саналади.

Персонажнинг ҳолатини ёки қандайдир ахборотни ифодаловчи турли ишоралар чегараланган бўлгани каби, лисоний ифодаси ҳам чегараланган ҳолда бўлади.

Хулоса қилиб шуни айтиш керакки, бадиий асарда персонажлар томонидан кинетик воситалардан фойдаланиш, энг аввало, ахборот узатишни тақозо этади. Иккинчидан, мулоқотнинг жонли, табиийлигидан далолат беради. Учинчидан, персонажларнинг хатти-ҳаракатлари вербал восита асосида ифода этилади ва унда кинема номинацияси, тавсифи ёки тасвирларидан фойдаланилади. Тўртинчидан, диалогик нутқда, кинемаларнинг ишлатилиши асардаги персонажнинг хусусиятини (характерини) очиб беришда, унинг руҳий-ҳиссий ҳолатини ифода этишда аҳамиятли саналади ва уларнинг вербал ифодаси мос равишдаги луғавий бирликлар ва уларнинг комплекси орқали ифодаланади.

Бадиий асардаги кинетик ҳолатнинг вербал ифодасини тадқиқ этиш тилшунослар олдида турган вазифа саналади. Негаки, бадиий наср поэтикасини тадқиқ этишда персонажлар нутқи, муаллиф нутқи, ремарка, реплика каби унсурларни лисоний жиҳатдан тўла ўрганиш натижасида асардаги персонажларнинг тимсол сифатидаги хусусиятлари очиб берилади, қолаверса, асарнинг мавзуси, ғояси ва унинг ёритиб берилганига баҳо берилади. Бу интра- ва экстралингвистикани диалектик тадқиқ этгандагина амалга ошади.

Адабиётлар:

1. Колшанский Г.В. Паралингвистика.- М.: Наука, 1974
2. А.Нурмонов. Ўзбек тилининг паралингвистик воситалари.- Андижон,1980
3. Национально-культурная специфика речевого поведения.- М., 1977
4. Содиқова М. Феъл стилистикаси.- Т.:Фан,1975
5. Балли Ш. Французская стилистика.- М., 1961
6. ЎТИЛ. 4-жилд.- Т.: ЎМЭ, 2008

Андижон Давлат университети,
2009 йил 7 майда қабул қилинган
(Тақризчи: профессор А.Нурмонов)